

ВАЛИЕВ Бобур Батирович
Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
доценти, DSc

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

REGIONAL ASPECTS OF INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда инвестиция фаоллигини оширишнинг минтақавий жиҳатлари, инвестиция салоҳиятига оид илмий қарашлар, минтақаларда инвестицияларнинг ўсиши очиб берилган. Мамлакатда инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, ҳудудларда инвестиция таркибиди хорижий инвестициялар улуши бўйича замонавий тенденцияларига баҳо берилган. Инвестиция салоҳиятини ошириш ва инвестиция самарадорлигини яхшилаш юзасидан илмий тавсиялар берилган.

Асосий тушунчалар: минтақа, инвестиция фаоллиги, иқтисодий ўсиш, миллий иқтисодиёт, хорижий инвестиция, инвестиция лойиҳаси, ҳудудий тақсимот, инвестиция стратегияси

Аннотация. В статье раскрыты региональные аспекты повышения инвестиционной активности в Узбекистане, научные взгляды на инвестиционный потенциал, рост инвестиций в регионах. Оценены распределение инвестиций в стране по регионам, современные тенденции доли иностранных инвестиций в структуре инвестиций регионов. Даны научные рекомендации по увеличению инвестиционного потенциала и повышению эффективности инвестиций.

Ключевые понятия: регион, инвестиционная деятельность, экономический рост, национальная экономика, иностранные инвестиции, инвестиционный проект, региональное распределение, инвестиционная стратегия.

Annotation. The article reveals the regional aspects of increasing investment activity in Uzbekistan,

scientific views on investment potential, investment growth in the regions. The distribution of investments in the country by regions, current trends in the share of foreign investments in the structure of investments in the regions are assessed. Scientific recommendations are given to increase the investment potential and improve the efficiency of investments.

Key concepts: region, investment activity, economic growth, national economy, foreign investment, investment project, regional distribution, investment strategy.

КИРИШ

Сўнгги даврда жаҳон мамлакатларида ҳудудлар иқтисодиёти ўртасидаги номутаносибликлар кучайиб бормоқда. Сўнгги даврда илғор мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича ривожланиш даражаси жиҳатидан энг юқори ва энг паст 10 фойзликка қиравчи ҳудудлар ўртасидаги ўртача тафовут ортиб бориб, охириги ўн йилликда 1,7 мартани, ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу тафовут айтилган даврда 3,2 мартани ташкил этган. Баъзан иқтисодий салоҳият бўйича мамлакатлар ичидаги ҳудудлар ўртасидаги фарқ мамлакатлар ўртасидаги фарқдан катта бўлмоқда [1]. Инвестицион салоҳиятнинг асосий омили бўлган дунёда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажми эса 2020 йилда 40 фойзга камайиши прогноз қилинган ва 2015 йилда эришилган 2 трлн. долларлик энг юқори кўрсаткичга нисбатан фарқ қатталашиб бормоқда [2]. Шу боис, халқаро кучли рақобат шароитида мамлакат ички ҳудудларининг ўзаро мутаносиб ривожланишини таъминлашда оқилона инвестиция сиёсатини юритишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳудудлар инвестиция салоҳиятини мутаносиб ошириб бориш минтақавий иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши эканини кўрсатмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда инвестиция ресурсларини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳам янги ислохотлар даврида ишлаб чиқаришга инвестицияларни фаол жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 26 мақсадида ҳам иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган [3].

Унга кўра мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш шароитида келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш белгиланган. Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастан-юқорига» тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш, 2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш вазифалари ҳам кўрсатилган.

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ


80-йиллардан бошланган Ғарб иқтисодчилари ва иқтисодий географларининг назарий ва эмпирик тадқиқотларида пайдо бўлган минтақавий ўсишнинг янги назариялари ва моделлари тадқиқ этилган. Минтақавий ўсиш назариясининг янги тўлқинининг энг таниқли вакиллари қаторида П. Кругман [4], М. Фужит [5], Т. Мори [6], Э. Венаблес [7], Д. Пуго [8], Ж. Харрис [9], А. Пред [10], Р. Фиани [11], Г. Мюрдаль [12], А. Хиршман [13], А. Гилберт [14], Ж. Гаглер, Ж. Эллисон [15], Э. Глейзер, Д. Девис [16], Д. Вайнштейн, Лунген Инн [17] кабиларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг назариялари ва моделлари орасида энг муҳимлари сифатида номукамал рақобат шароитида (баъзи ҳолларда мукамал рақобатда) ўсиб боровчи масштаб самарасига асосланган янги иқтисодий географиянинг асосий назариялари, иқтисодий ўсишнинг янги моделлари, агломерация, марказий жойлар ва тасодифий ўсиш назарияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда улар минтақавий ўсиш омилларига масштаб самараларининг ҳар хил турлари, транспорт харажатлари, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлиги, агломерация, фазовий лаглар ва иқтисодий

омилларнинг ўзаро таъсири самараларини киритганлар.

Яна бир замонавий минтақавий тадқиқот йўналиши кумулятив ўсиш назарияларининг энг кўзга кўринган вакиллари қаторида Г.Мюрдаль, А.Хиршман, Ф.Перру [18], Х.Ричардсон [19], Дж.Фридман, Т.Хэгерстренд [20], П.Потье, Ҳ.Ласуэн, Х. Гирш каби муаллифларни келтириш мумкин. Уларнинг ёндашувлари ўсиш марказлари ва унинг тарқалиш каналларининг минтақалар бўйича иқтисодиётда пайдо бўлиши, агломерациялар ва марказий жойларнинг шаклланиши, инновацияларнинг тарқалиши, периферик ҳудудларнинг ривожланиши, масштабдан доимий қайтим мавжудлиги, эркин рақобат шароитида нотекис ўсиш каби омилларни ҳам ўз ичига олган. Мазкур назариялар асосида минтақа иқтисодий ўсишининг омилларига ихтисослашув ёки ҳудудий меҳнат тақсимоли, транспорт харажатлари, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлиги, ўсиш кутбларининг келиб чиқиши, ишлаб чиқаришнинг агломерацияси ва уни шакллантириш омиллари, инновациялар ва бошқа янгиликларни тарқатиш каналлари, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатсизлиги билан боғлиқ маҳаллийлаштириш жараёнлари ҳамда минтақаларнинг индивидуал хусусиятлари киритилган.

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ


Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2017-2021 йилларда 2,1 баробардан ортиқроққа ошди. Бунда инвестициялар ҳажми 2017 йилда 19,4%, 2018 йилда 29,9%, 2019 йилда 38,1% юқори ўсиш суръатига эга бўлган бўлса, 2020 йилда пандемия сабабли инвестициялар ҳажми 4,4 % га камайган. 2021 йилда инвестициялар ўсиши қайта тикланиб, 2,9% ўсишга эга бўлди. 2021 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига ўзлаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми 239,5 трлн. сўмдан ошиқни ташкил этди.



1-расм. 2017-2021 йилларда асосий капиталга инвестициялар жами ўсиши, (баробар).

Ўзбекистонда янги ислохотлар даври бошлангандан буён, яъни 2017-2021 йилларда инвестицияларнинг энг юқори ўсиш кўрсаткичлари Жиззах вилояти (3,56 баробар), Сирдарё вилояти (3,37 баробар), Сурхондарё вилояти (2,98 баробар), Тошкент вилояти (2,91 баробар) ҳудудларида кузатилди. (1-расм).


Қорақалпоғистон Республикаси (0,76 баробар), Қашқадарё вилояти (1,14 баробар), Бухоро вилояти (1,39 баробар) иқтисодиётларига киритилган инвестициялар ҳажми ўсиши эса республика ўртача даражасидан (2,11 баробар) салмоқли кам бўлган. Миллий иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркибий тузилиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2017-2021 йилларда ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (23%), Қашқадарё вилояти (11%) ва Тошкент вилояти (10%) ҳиссаларига тўғри келмоқда. (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, %да

Хоразм вилояти (3%), Сирдарё вилояти (3%), Жиззах вилояти (4%), Қорақалпоғистон Республикаси (4%) ҳудудлари иқтисодиётга киритилган инвестициялар эса республика инвестициялар ҳажмида нисбатан кичик улушларни эгаллаганлар. 2021 йилда жалб қилинган инвестициялар Тошкент шаҳрида 58,2 трлн. сўмни, Тошкент вилоятида 28,1 трлн. сўмни, Бухоро вилояти 20,5 трлн. сўмни ташкил этган, уларнинг республика инвестицияларидаги улуши мос равишда 24,3 %, 11,7% ва 8,6% га тенг бўлган. 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикасига 8,1 трлн. сўм, Сирдарё вилоятига 8 трлн. сўм, Хоразм вилоятига 8,3 трлн. сўм инвестициялар жалб қилинган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонга жалб қилинган инвестицияларнинг ўртача 35,3% хорижий инвестициялар ҳисобланади. Айтилган даврда Бухоро вилояти (55,1%), Қашқадарё вилояти (52,5%), Навоий вилояти (45,4%), Сурхондарё (40,9%) вилоятларида хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши республика даражасидан анча юқори бўлган (3-расм). 2021 йилда жами инвестицияларни молиялаштириш манбалари ичида хорижий инвестициялар улуши Навоий вилоятида 61,3%ни, Сирдарё вилоятида 59,8%ни, Бухоро вилоятида 58,5%ни ташкил этиб, юқори кўрсаткичга эга бўлган.



3-расм. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон ҳудудларида инвестиция таркибида хорижий инвестициялар улуши, %да

2017-2021 йилларда Самарқанд вилояти (19,4%), Тошкент вилояти (21,7%), Хоразм вилояти (24,7%), Тошкент шаҳрида (27,4%) хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши нисбатан паст даражага эга бўлди.

Республикада 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

✓ Давлат-хусусий шериклик асосида Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш (синов лойиҳаси);

✓ Сурхондарё вилоятидаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” қонида геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва маҳсулотни тақсимлашга оид битим асосида қонни ўзлаштириш, газ-кимё комплексини барпо этиш;

✓ Шўртан-газ кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш;

✓ 2017-2021- йилларда углеводород хомашёси қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича Дастур;

✓ “Мурунгов” қонини ўзлаштириш (В навбати) 1- босқич;

✓ 2021-2022-йилларда республика магистрал газ узатиш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури.

Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан эса 2021 йилда магистрал электр тармоқ нимстанцияларини модернизация қилиш, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш, Тўпаланг ГЭСни модернизация қилиш, Бухоро-Урганч-Хива темир йўлини электрлаштириш, локомативлар паркни янгилаш каби лойиҳалар амалга оширилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 63,2 трлн. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 25,8 % и ўзлаштирилган. Тоғ-қон саноатида жами 232 трлн. сўмга яқин ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 9,5 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 6,4% и ёки 15,7 трлн. сўми хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

2021 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи қиймати Тошкент шаҳри (20,6 млн.

сўм), Навоий вилояти (14,7 млн. сўм), Бухоро вилояти (10,5 млн. сўм), Тошкент вилоятида (9,6 млн. сўм) нисбатан юқори даражага эга бўлиб, республика кўрсаткичидан (6,9 млн. сўм) салмоқли ошқ бўлди. Айтилган йилда Фарғона вилояти (3,3 млн. сўм), Андижон вилояти (3,5 млн. сўм), Самарқанд вилоятларида (3,9 млн. сўм) эса аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар ҳажми нисбатан паст даражада бўлган.

НАТИЖАЛАР

Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистон минтақалари инвестиция салоҳиятини ошириш ва инвестиция самарадорлигини яхшилаш юзасидан бир қатор тавсияларни бериш мумкин. Мамлакатимизда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларга инвестицияларни фаол ўзлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда дастлабки босқичда узок муддатга мўлжалланган Минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур умумреспублика концепцияси эса алоҳида минтақалар доирасида узок муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар ва асосий мақсадларни аниқлашга асос бўлади. Кейинги босқичларда эса минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари асосида ҳудудлар инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

ХУЛОСА

Минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини ишлаб чиқиш ва инвестиция самарадорлигини оширишда қуйидаги асосий вазифаларни қамраб олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

✓ мамлакат минтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда улар таркибида доимий равишда “ўсиш марказлари” ва “ортда қолаётган ҳудудлар”ни ажратиб бориш;

✓ “ўсиш марказлари” ҳисобланган минтақалардан периферия ҳудудлари ва узок қишлоқ жойларга янгиликлар ва инновациялар

фаол диффузиясини таъминлаш учун барча шароитларни яратиш;

✓ ривожланган минтақалар ва ортида қолаётган ҳудудларни ўзаро боғловчи замонавий транспорт корридорлари тизимини шакллантириш;

✓ “ўсиш марказлар”ида шаклланган алоқа тармоғини ортида қолаётган ҳудудларда давом эттириш ва ривожлантириш;

✓ республиканинг ривожланган минтақалари ва тараққиётдан орқада қолаётган ҳудудлари ўртасида ўзаро ишчи кучи ва меҳнат ресурслари эркин ҳаракатини таъминлаш;

✓ ривожланган ҳудудларда фаолият юритаётган олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, “ақл” марказларининг ривожланишдан ортида қолаётган ҳудудларда филиалларини очишни рағбатлантиришнинг самарали механизмни яратиш;

✓ ишлаб чиқариш, истеъмол, меҳнат, институционал ва инновация салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар имкониятларидан минтақалараро қўшма ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали ортида қолаётган минтақаларда самарали фойдаланишни таъминлаш.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

- <https://blogs.imf.org/2019/10/09/widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies/>
- <https://unctad.org/webflyer/world-investment-report-2020>
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
- Кругман П. Пространство: последний рубеж // Пространственная экономика, 2005. №3. – С.121-133.
- Fujita M., Krugman P. When is the economy monocentric: von Thunen and Chamberlin unified // Regional Science and Urban Economics, 1995. 254.
- Fujita M., Mori T. Structural stability and evolution of urban systems // Regional Science and Urban Economics, 1996, 27; 4-5.
- Venables A. Equilibrium Locations of vertically linked industries // International Economic Review, 1996. 37: 2.
- Pugo D. Venables A, The spread of industry spatial agglomeration in economic development. CEPR Working Paper № 1354. 1997.
- Harris G.D. The market as a factor in the localization of production. // Annals of the Association of American Geographers, 1954. 44.
- Pred A.R. The Spatial Dynamics of U.S. Urban-Industrial Growth. 1800-1914. Cambridge: MIT Press., 1966..
- Fiani R. Increasing Returns, Non-Traded Inputs and Regional Development // Economic Journal. 1984. P. 308–323.
- Myrdal G/ Economic Theory and Under-developed Regions. – London, 1957;
- Hirschman A. The strategy of economic development, Yale university press. New Haven. 1958
- Gilbert A., Gugler J. Cities, Poverty and Development: Urbanization in the third world. Oxford: Oxford University Press, 1982.
- Ellison G., Glaser E. Geographic Concentration in U.S. Manufacturing Firms: a Dartboard Approach // Journal of Political Economy. 105. 1997. P. 889–927.
- Davis D.R., Weinstein D.E. Bones, Bombs and Break Points: The Geography of Economic Activity // American Economic Review. 92, 2002. P. 1269–1289.
- Lungen’ In The economic growth in China: spatial and economical analysis// Spatial economy. 2005. №1. – P. 133-152.
- Пеппу Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. № 2. 2007
- Richardson H.W. Regional growth theory. London 1973
- Hägerstrand, Torsten (1985). Time geography: focus on the corporeality of man, society and environment. In Aida, Shūhei (ed.). The science and praxis of complexity: contributions to the symposium held at Montpellier, France, 9–11 May, 1984. Tokyo: United Nations University Press. pp. 193–216